

берганини Аллоҳнинг Ўзи билади. Биз эса Қуръонда зикр этилгани билан кифояланамиз, холос. Эҳтимол, ушбу учрашув келажакдаги машаққатларни енгиб ўтиши учун Мусо алайҳиссаломга қувват ва сабот манбаи бўлар. Эҳтимол, шунинг учун учрашувдан бурун қирқ кун ҳамма нарсани тарк этиб, чилла ўтириб, алоҳида ҳозирлик кўрилгандир. Вақти-соати етиб, учрашув ўз вақтида, белгиланган жойда содир бўлди. Бу учрашув араб лафзида исми замон ва исми макон маъносини бирданига англатувчи лафз ила «мийқот» дейилади ва учрашув вақти ва замони маъносини билдиради.

«Мусо мийқотимизга келиб, Робби унга гапирганида, «Роббим, менга (жамолингни) кўрсат, Сенга назар солай», деди».

Уламоларимизнинг таъкидлашларича, ушбу улуғ мийқот Қурбон ҳайити куни, Тур тоғининг ўнг томонида содир бўлган. Мийқот рўй берган тарихий вақт қирқ кунлик рўза ҳақидаги ривоятдан аниқланган. Мусо алайҳиссалом зулқаъда ойида тўла ўттиз кун ва зулҳижжа ойида ўн кун рўза тутиб, ҳайит куни Аллоҳ билан роз айтишганлар. Мийқот Тур тоғининг ўнг томонида содир бўлгани бошқа ояти карималарда ҳам зикр этилган.

Демак, Мусо алайҳиссалом Аллоҳ билан мийқотга, белгиланган вақтда, белгили жойга келганларида, у зотга Робби бевосита сўзлади. Бу ҳол қандай содир бўлди – тафсилотини ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи билади. Мусо алайҳиссалом қандай қилиб Аллоҳнинг каломини тингладилар, буни ҳам Аллоҳнинг Ўзигина билади. Чунки бу нарса инсон ҳатто тасаввур қилиши ҳам мушкул бир ҳолдир.

«Ҳислатли ҳикматлар шарҳи» китобидан